

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Олий таълим макассалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
умумкасбий ва маҳсус фанлари педагоглари учун малака ошириш  
йўналишларининг ўкув дастури

Рўйхатга олиниди

№ МО 5-2

20 13 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта  
маҳсус таълим вазирлигининг

20 13 йил “20” декабр даги

484 - сонли бўйруги билан тасдиқланган

**КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ**

Олий таълим муассасалари таълим йўналишлари ва мутахассисликлари  
умумкасбий ва маҳсус фанлари педагоглари учун малака ошириш  
йўналишларининг ўкув дастури

(Сервис, Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, Мухандислик  
коммуникациялари қурилиши ва монтажи)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

Малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2013 йил 20 декабрдаги 5 -сонли баённомаси билан маъқулланган.

<b>Тузувчилар:</b>	п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов- ТДПУ ҳузуридаги тармоқ маркази директори п.ф.н. Ф.Т.Эсанбобоев- ЎзМУ ҳузуридаги минтақавий марказ директори т.ф.н., доц. А.Хотамов – ТАҚИ “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедраси мудири
<b>Тақризчилар:</b>	т.ф.д., проф. Е.В. Щипачева – ТТЙМИ “Бинолар ва саноат иншоатлари қурилиши” кафедраси мудири т.ф.н., доц. С.Т. Қосимова – ТАҚИ “Шаҳар қурилиши ва хўжалиги” кафедраси доценти

Ўқув дастурлари Тошкент архитектура-қурилиш институти Илмий кенгашида тавсия қилинган ( 2013 йил 31-ноябрдаги 3 - сонли баённома ).

## **Кириш**

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илфор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўтказишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитишни, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

### **Умумий тайёргарлик модули:**

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг асаларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.
- Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.
- ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.

### **Умумкасбий тайёргарлик модули:**

- Олий таълим педагогикаси ва психологияси.
- Электрон педагогика асослари.
- Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.

- Амалий хорижий тил.
- Тестология асослари.
- Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.
- Ахборот хавфсизлиги.

### **Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Замонавий мухандислик коммуникациялари.
- Коммунал хўжалиги соҳасидаги инновациялар.
- Бино ва иншоотларнинг техник эксплуатация масалалари.

### **Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули:**

- Уй-жой фондларини таъмирлашда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш.
- Уй-жой ва коммунал хўжалигининг долзарб масалалари.

### **Танлов фанлари модули.**

#### **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари “Коммунал хўжалиги (Сервис, Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Коммунал хўжалиги (Сервис, Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи)” таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги хужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

#### **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

##### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни;

- “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва бошқа қонун хужжатларининг қабул қилиниши, моҳияти ва аҳамиятини;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини;
- таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини;
- таълим тизимида мулоқот ва коммуникатив жараёнларнинг шакл ва қонуниятларини;
- педагогик жараёнлар қонуниятлари ва шахсни ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантиришнинг замонавий назарияси ва технологияларини;
- таълим соҳасидаги инновацияларни;
- жамиятни ва таълимни ахборотлаштириш технологияларини;
- педагогика ва психологиянинг сўнгги ютуқларини;
- замонавий мухандислик коммуникацияларини;
- коммунал хўжалиги соҳасидаги инновациялар;
- бино ва иншоотларнинг техник эксплуатацияси масалалари;
- уй-жой фондларини таъмирлашда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш масалалари;
- уй-жой ва коммунал хўжалигининг долзарб масалаларини **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда муассасанинг фаолиятини таъминлаш;
- таълим-тарбия жараёнларини ривожлантиришга қаратилган инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилиш;
- таълим сифатини назорат қила олиш;
- ўқув-методик хужжатларни яратса олиш;
- таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;
- педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шаклларини;
- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;
- виртуал лаборатория ишларини яратиш ва қўллаш;
- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;
- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- педагогларда касбий компетентликни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- шахсий педагогик ва методологик маданиятни ривожлантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш;

- биноларни текшириш бўйича ишларни ўтказиш ва лойиҳалаш соҳасида бино ва иншоотларнинг меёрий эксплуатация узайтириш бўйича тадбирларни амалга ошириш;
- коммунал хўжалигида инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- чет эл тажрибаларидан, ҳамда ривожланган давлатлари олимлари ва менежерлар томонидан яратилган назарияларни эгаллаш;
- илм фан тараққиёти асосида уй-жой коммунал хўжалигида хўжалик муносабатларни йўлга қўйиш;
- коммунал хўжалиги соҳасидаги инновацияларни илмий-тадқиқот ва ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- Ўзбекистон Республикасидаги меёрий ҳужжатлар тизимидағи ўзгаришларни амалаиётга татбиқ эта олиш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

### **Тингловчи:**

- педагогик мониторинг олиб бориш;
- психологик-педагогик диагностиканинг замонавий методларидан фойдаланиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишининг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий муроқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- эксплуатация қилинаётган бино ва иншоотлар конструкцияларининг сифати ва ҳолатини баҳолаш;
- қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларининг илгор инновацияларини қўллаган ҳолда ўқув жараёнини такомиллаштириш **малакаларига** эга бўлиши зарур.

### **Курсни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Модулларни ўқитишда дарслик, ўқув қўлланмалар, маъруза матнларининг электрон версияларидан, электрон плакатлар ва бошқа электрон ресурслардан фойдаланилади. Машғулотлар семинар-тренинг шаклида олиб борилади ва кичик гурӯхларда ишлаш каби интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Малака ошириш курси 144 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Ўқув курсини тугаллаган тингловчиларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сон қарори билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака оширганлиги ҳақидаги сертификат берилади.

## **«Коммунал хўжалиги (Сервис, Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи)» малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг таркиби мазмуни**

### **I. Умумий тайёргарлик модули**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим–тарбия масалалари**

И.Каримов асарларида жамият тараққиёти тўғрисида янги назарий концептуал ёндошувнинг илмий асослари. Ўзбекистон ижтимой ҳаётининг сиёсий институтлар, ғоялар ва фикрлар хилма-хиллигига асосланиши. Жамият ривожланиш босқичлари. Мустақиллик ва ўтиш даврининг зарурияти. “Ўзбек модели”нинг ишлаб чиқилиши, асосий принциплари. Жамият тараққиётини демократлашириш ва модернизация қилиш. Эришилган ютуқлар ва унинг истиқболлари.

Демократик жамият қуришнинг муҳим шарти хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти эканлиги. Мамлакатда демократик ислоҳотларни чуқурлашириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ишлаб чиқилиши, унинг асосий йўналишлари. Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган янги қонунлар ва ўзгаришларнинг аҳамияти.

Глобаллашув ва таълим-тарбия тизимидағи замонавий талаблар. Ахборот коммуникация тизими, замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш ва унинг афзалликлари. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий негизлари, умумдемократик принципларга асосланиши. Миллий ғоя негизларидан таълим-тарбияда фойдаланиш.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг меъёрий-хуқуқий асослари.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари.

Давлат таълим стандартлари, классификатор, ўқув режалар, фандастурлари, Олий таълим вазирлигининг низомлари, буйруқлари, йўриқномалар ва бошқа меъёрий хужжатларнинг мазмуни ва моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг ваколатлари, маҳаллий давлат органларининг ваколатлари, Олий таълим муассасаларининг ваколатлари.

### **1.3. ОТМ тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни модернизациялаш ва инновацион таълим технологияларини жорий этиш.**

Умумий сифат менежменти тушунчаси, унсурлари, асосий ғояси ва тамойиллари. Таълим сифати тушунчаси, тавсифлари, бошқариш функциялари ва босқичлари.

Олий таълим тизимининг сифатига таъсир этувчи омиллар. Ўқув жараёнининг сифати. Профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва илмий салоҳиятини баҳолаш мезонлари. Олий таълим муассасасининг моддий-техник таъминоти сифати. Олий таълим муассасасининг сифат сиёсати. Таълим маркетинги хизматлари сифати. Битирувчиларнинг сифати.

Олий таълим сифатини баҳолашнинг асосий йўналишлари. Олий таълим муассасаларининг рейтинги. Факультет ва кафедралар даражасида сифат менежменти.

Таълимдаги инновацион технологиялар. Олий таълим муассасасида ўқув-услубий фаолиятни модернизациялашнинг асосий йўналишлари.

Инновацион таълим технологияларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш. Халқаро ҳамкорлик ва хориж тажрибаси. Профессор-ўқитувчиларнинг ахборот-коммуникация технологиялари, чет тиллар ва педагогик технологиялар бўйича саводхонлигининг ошириш масалалари.

Олий таълимнинг электрон ахборот-ресурслари ва замонавий ўқув адабиётлари билан таъминотини янада ривожлантириш.

## **II. Умумкасбий тайёргарлик модули**

### **2.1. Олий таълим педагогикаси ва психологияси.**

Олий таълим педагогикаси ва психологияси фанининг долзарб масалалари. Таълим жараёни ягона тизим сифатида. Таълим парадигмалари. Педагогик тадқиқот методлари. Олий таълимни модернизациялаш ва оптималлаштириш. Таълим жараёнининг психологик ўзига хослиги. Ўқув мотивацияси ва таълим самарадорлиги. Шахс психологияси ва шахсга йўналтирилган таълим. Педагогик коммуникацияда психологик компетентлик.

### **2.2. Электрон педагогика асослари.**

Ахборот – коммуникация технологиялари ҳақида тушунча. Ахборот – коммуникация технологияларининг воситалари. Янги ахборот технологиялари, ахборот тизимини бошқариш, ахборот тизимининг функционал ташкил этувчилари. Маълумотларни марказлашган ҳолда қайта ишлаш. Маълумотларни узатиш тизимлари ва уларнинг характеристикаси. Замонавий коммуникация технологиялари. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари, интерактив технологиялардан фойдаланиш.

Ўқув мақсадли электрон воситаларни яратиш ва уларнинг сифатини баҳолаш. Ўқув-тарбия жараёнининг ахборот-методик таъминотини ва ўқув муассасаси ташкилий бошқарув тизимини автоматлаштириш ва унинг истиқболлари. Электрон ўқув материаллар базасининг тузилмаси ва таркиби. Таълимий ИНТЕРНЕТ ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

Педагогик дастурий воситаларнинг умумий таърифи. Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Замонавий дастурлаш тиллари асосида электрон ўқув материалларини яратиш.

Аудиовизуал ахборот: табиати, манбалари, ўзгартирувчилари, ташувчилари. Ўқитишнинг аудиовизуал технологиялари: теле ва видеоконференциялар ва уларни ташкил этиш, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмалари, аудио, видео ва компьютерли материалларнинг банки, аудио, видео ва компьютерли ўқув қўлланмаларини яратишнинг дидактик принциплари. Ўқитишнинг интерфаол технологиялари.

### **2.3. Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат.**

Таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг назарий асослари. Таълим технологияси ва шахсга йўналтирилган таълим турлари. Замонавий таълим (модулли, муаммоли, интерфаол, ҳамкорликда ишлаш, индивидуал, информацион) технологиялари. Олий таълим муассасаларида аудитория ва аудиториядан ташқари таълимни ташкил этиш. Педагогик мuloқot маданияти ва психологияси. Педагогнинг коммуникатив ва креатив қобилияtlари. Касбий компетентлик. Педагогик назокат ва одоб-ахлоқ. Педагогик техника. Нутқ техникаси ва маданияти. Педагогик низолар. Педагогик жараённи технологик лойиҳалаштириш.

### **2.4. Амалий хорижий тил.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорининг моҳияти ва тарихий аҳамияти. Чет тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш. Жаҳон цивилизацияси ютуқлари ва дунё ахборот ресурсларидан фойдаланиш. Халқаро ҳамкорлик ва мuloқotларни ривожлантириш. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш. Чет тилини эгаллаш даражаларининг Европа системаси (CEFR) ва унинг учта асосий даражаси. Сўз бирикмалари атрофида мuloқot. Сўзлашув ва эшитиш қобилияти. Ишда, ўқишида, бўш вақтларда бўладиган сухбат малакасини шакллантириш. Эркин касбий мuloқot. Чет тилида илмий мунозара. Туризмга оид мuloқot. Йирик, мураккаб матнлар ва уларни тушуна олиш кўнижмаси. Фикрни равон ифодалаш. Чет тилида бўлган интернет матнларининг асосий гоясини тушуниш. Таржима хусусиятлари. Оғзаки ва ёзма таржима.

## **2.5. Тестология асослари.**

Тестология тушунчаси. Тестологиянинг тавсифи. Тестология ва унинг фаолият соҳалари. Тестологиянинг фан сифатида шаклланиш босқичлари.

Тест тузиш методикаси. Тестларнинг турлари, мазмуни ва кўрсаткич нормалари. Тестларнинг стандарт меъёрлари. Ёш нормалари. Гурухий нормалар. Нисбий норма. Фан соҳалари бўйича тест тузишнинг асосий тамойиллари, қоидалари, талаб ва мезон кўрсаткичлари. Ижтимоий-гуманитар ва аниқ-табиий фанлар бўйича тест тузиш тартиби. Тест саволларини Давлат тест марказига тақдим этиш форматлари.

## **2.6. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги.**

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳақида тушунча. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги фанининг мақсади ва вазифалари. Фаолият хавфсизлигини таҳлил қилиш. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг асосий тушунчалари, мазмуни. Хавфлар, уларнинг таснифи. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари. Фаолият хавфсизлиги психологияси. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган меъёрий-хукукий ҳужжатлар. Ўзбекистон шароитида техноген вазиятлар ва фавқулодда ҳолатларда таълим муассасаларида ходимлар, ўқувчи-талабалар ҳаракатини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш. Экологик маърифат ҳақида тушунча. Экологик таълим-тарбия мазмуни, методикаси. Экологик маданият ва уни барқарор тараққиётни таъминлашда тутган ўрни.

## **2.7. Ахборот хавфсизлиги.**

Ахборот хавфсизлиги ва уни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг ҳукукий асослари. Ахборот хавфсизлиги турлари. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш. Логин ва пароль тушунчаси. Идентификация ва аутентификация. Конфиденциал ахборот. Ахборот хавфсизлигининг концептуал модели. Ахборотларни ҳимоялашнинг криптографик усуллари. Электрон рақамли имзо ва ундан фойдаланиш. Интернет тизимидан олинаётган ахборотларнинг ишончлилиги, ўқув жараёнида Интернет манбаларидан фойдаланиш ва уларнинг ўқув мақсадларига мослиги.

# **III. Умуммутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

## **3.1. Замонавий мухандислик коммуникациялари**

Иссиқлик таъминоти. Иссиқликнинг асосий истеъмолчилари. Замонавий иссиқлик тармоқларининг тузилиши. Махаллий истеъмолчилар уланиш тугуларининг жиҳозлари. Иссиқлик тармоқларининг ишга тушириш, созлаш, синаш ва улардан фойдаланиш.

Газ таъминоти. Замонавий газ тармоқларининг тузилиши ва жихозлари. Қувурлар, қувур материаллари, уларнинг сортаменти. Газ тизимларини ишга тушириш, созлаш, синаш ва улардан фойдаланиш.

Иситиш. Замонавий иситиш тизимларининг тавсилотлари, иситиш тизимлари. Хонадаги алоҳида тўсиқлар орқали иссиқлик йўқолиши. Сув билан иситиш тизимлари, иситиш тизимида сув циркуляцияси ва босим йўқолиши. Иситиш тизимларини ишга тушириш, созлаш, синаш ва улардан фойдаланиш.

Вентиляция. Ҳавони кондициялаш. Замонавий вентиляция тизимларига қўйиладиган асосий талаблар. Хонада ажраладиган заарли моддалар, уларни микдорини аниқлаш. Ҳавони кондициялаш тизимларининг принципиал схемалари, совуқлик билан таъминлаш манбалари.

### **3.2. Коммунал хўжалиги соҳасидаги инновациялар**

Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни диверсификациялаш шароитида инновациянинг асосий тушунчалари, мақсадлари ва вазифалари. Инновациянинг асосий тушунчалари. Инновацион менежментнинг тарихи ва ривожланиш тенденциялари. Янгилик (янгиликларни жорий этиш) хақида тушунча. Бозор иқтисодиёти шароитида илмий–техникавий ривожланишнинг аҳамияти. Янги турдаги ташкилотлардаги интеграциялашиш ва ҳар томонлама ривожланиш жараёнлари. Ўзбекистонда инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари. Инновациялар ва инвестицияларнинг ўй-жой коммунал хўжалиги фаолияти самарадорлигига таъсири таҳлили. Уй-жой коммунал хўжалигига ресурс тежамкорлиги ва энергия тежамкор инновацион лойиҳалар. Инновацион лойиҳалаштиришнинг асослари. Инновацион лойиҳаларнинг экспертизаси. Инвестицион ва инновацион лойиҳалар самарадорлигининг қиёсий – таҳлилий кўрсаткичлари. “Яшил қурилиш (Green construction)” ва “Яшил бино (Green building) тажрибаси. Қурилишда ресурс тежамкорлиги. Уй-жой қурилшининг намунавий лойиҳалари. Ривожланган давлатлар инновацион фаолият тажрибаси.

АҚШнинг жаҳон қурилиш индустриясии ривожидаги етакчи ўрни ва тажрибаси, буларни белгиловчи асосий кўрсаткичлар. Япония қурилиш тажрибаси: инновацион лойиҳалари, денгиз маҳсулотларидан ташқари табиий бойлик қашшоқлиги. Японча ишлаб чиқаришнинг бошқарилиши хусусиятлари. Япония сифат назорати тажрибаси. Уй-жой коммунал хўжалигига ташкилотларида инновацион фаолиятни ташкил этиш. Қурилиш корхоналаридаги ИТИни бошқариш. Инновацион давр босқичлари бўйича ИТИ харажатларининг тузилиши. Янгиликларнинг сифат кўрсаткичлари. Янгиликларни яратиш ва татбиқ этишни бошқариш. Инновацион менежердан талаб этиладиган сифатлар.

### **3.3. Бино ва иншоотларнинг техник эксплуатация масалалари**

Бино ва иншоотларнинг эксплуатациясини ташкил қилиш. Техник эксплуатациянинг таркиби ва масалалари. Биноларга хизмат қўрсатиш. Биноларнинг техник эксплуатацияси. Шикастланган эскириши ва уларни ташхис этиш. Биноларнинг емирилиш ва шикастланишини аниқлаш. Биноларнинг жисмоний ва маънавий емирилиши. Бинонинг емирилишини аниқлаш омиллари. Бино конструкцияларининг жисмоний емирилишини аниқлаш усуллари. Биноларнинг жисмоний емирилиш даражасини аниқлаш. Курилиш конструкцияларининг техник эксплуатацияси.

### **IV. Мутахассислик бўйича тайёргарлик модули**

#### **4.1. Уй-жой фондларини таъмирлашда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энергия тежамкор бинолар қурилиши. Ўрта Осиё ҳудудининг иқлимий ҳусусиятлари ва уларнинг хоналарни микроиклимини шаклланишига таъсири. Фуқаро биноларининг энергия самарадорлиги. Биноларнинг тўсик конструкциялари ва уларнинг иссиқлик изоляцияси. Замонавий иссиқликни изоляцияловчи материаллар. Биноларнинг ташқи тўсик конструкцияларини иссиқликдан ҳимоялаш. Биноларнинг энергетик паспорти.

#### **4.2. Уй-жой ва коммунал хўжалигининг долзарб масалалари**

Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари, тархлаш ва қуриш ҳусусиятлари. Шаҳар ва уй-жой коммунал хўжалиги. Уй-жой жамғармаси ва яшаш ижтимоий нормалари. Уй-жой коммунал хўжалигига бозор иқтисодиётига доир ўтказилган ислохотлар.

### **V. Танлов фанлари модули**

“Коммунал хўжалиги (Сервис, Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи)” йўналишлари бўйича тингловчиларнинг эҳтиёжидан келиб чиқиб танлов фанлар модулининг таркибий қисми ва мазмуни белгиланади.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича қўрсатма ва тавсиялар**

“Коммунал хўжалиги (Сервис, Шаҳар қурилиши ва хўжалиги, Мухандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи)” йўналиши ўқув режасига мувофиқ амалий машғулотлар олий таълим тизимида ўқув жараёни ва ўқув-услубий фаолиятни моделлаштириш ҳамда олий таълим педагогикаси ва психологияси, электрон педагогика асослари, таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, амалий хорижий тил, тестология асослари, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, ахборот хавфсизлиги, замонавий

мухандислик коммуникациялари, коммунал хўжалиги соҳасидаги инновациялар, бино ва иншоотларнинг техник эксплуатация масалалари, уй-жой фондларини таъмирлашда биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш, уй-жой ва коммунал хўжалигининг долзарб масалалари ўқув модуллари ҳамда мазкур йўналишдаги долзарб масалалар мавзулари доирасида олиб борилади. Амалий машғулотлар замонавий дидактик таъминот ва лаборатория жиҳозларига эга бўлган аудиторияларда ҳамда Интернет тармоғига уланган компьютер синфларида, етакчи лойиха ва қурилиш ташкилотларининг базаларида ташкил этилади.

### **Мустақил соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил соатларни муайян модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда куйидаги шакллардан фойдаланиб бажаради:

- Малакавий иш.
- Тақдимот (танланган мавзу асосида тақдимот тайёрланади).
- Мутахассислик фани бўйича ўқув-дидактик материаллар тайёрлаш.
- Мутахассислик фани бўйича машғулотлар ишланмаларини лойихалаш.
- Ижодий топшириқлар ишлаб чиқиш.

Малакавий иш мазмуни танланган мавзуга мос бўлиб, уни бажаришда куйидагиларга эътибор берилади:

Таркиби:

- титул вараги;
- кириш;
- асосий қисм;
- хуносা;
- фойдаланган адабиётлар рўйхати;
- илова (интернет тармоғидан олинган маълумотлар, амалий материаллар нусхалари, дарс ишланмаси ва б.).

Мазмуни:

- тавсия қилинган адабиётларни муроала қилиш;
- мутахассислик фанларида инновациялардан фойдаланиш;
- мультимедия дарслекларини яратиш мезонлари;
- талаба билан индивидуал ишлашда педагогик маҳорат;
- касбий педагогика муаммолари;
- интернетда мавзуга оид маълумотларни излаш ва муроала қилиш;
- малака ошириш курси давомида мустақил дарс олиб бориш;
- дарснинг маърузаси, тарқатма материаллари, технологик харитасини тайёрлаш;

- касбий педагогиканинг услубий таъминоти муаммолари;
- педагогик фаолиятда анъанавийлик ва инновациялар;
- ўзбек педагогик услубиёти ва унинг модернизацияси.

Малакавий иш мазмуни ва шакли йўналиш таркибидаги модуллар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кенгайтирилиши ва ўзгартирилиши мумкин.

## **Тавсия этилаётган малакавий иш мавзулари:**

1. Инновацион педагогик фаолият назарий асослари.
2. Компьютер тармоқлари
3. Таълимни ташкил этиш турлари ва шакллари.
4. Ахборот – коммуникация технологиялари воситалари ва уларни таълим жараёнида қўллаш имкониятлари.
5. Дарс-таълимини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида
6. Электрон ўқув-методик материаллар мажмуаси, унинг тузилмаси ва таркиби.
7. Капитал қурилишда инновациянинг асосий тушунчалари, мақсадлари ва вазифалари.
8. Қурилишда инновацион менежментнинг усуллари ва вазифалари.
9. Қурлишда ИТТИР ни ташкил қилиш ва лойиҳалаштириш.
10. Қурилиш корхоналарида янгиликларни ишлаб чиқиш, татбиқ этиш ва яратишни бошқариш.
11. Энергия сақловчи биноларни лойиҳалаш соҳасида ривожланган мамлакатлар тажрибаси.
12. Микроиқлим параметрларини мажмуали психофизиологик баҳолаш. Қулай ҳарорат-намлик зоналари.
13. Энергия сақловчи ҳажмий-тархий ечимлар соҳасида тарихий миллий мерослар.
14. Инверсион томларнинг конструкциялари.
15. Замонавий самарали иссиқликни изоляцияловчи материаллар (классификацияси, асосий хоссалари ва характеристикалари).
16. Шаҳар хўжалигига жамоа транспорти муаммолари.
17. Уй олди худудларини ободонлаштириш.
18. Мехмонхона хўжалиги масалалари.
19. Уй-жой коммунал хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.
20. Марказлашган иссиқлик таъминоти тизимининг қўлланиш соҳаси.
21. Саноат биноларида газ таъминотининг ўзига хосликлари.
22. Замонавий иситиш асбоблари.
23. Биноларни иситиш учун анъанавий бўлмаган манбалардан фойдаланиш.
24. Вентиляция тизимларида шовқин билан кураш.
25. Замонавий маҳаллий кондиционерлар. (Сплит системалар)
26. Чет эл фирмаларининг кондиционерлари ва музлатгич машиналари.

## **Дастурнинг информацион-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиш жараёнида замонавий методларининг, педагогик ва ахборот технологияларининг кўлланилиши:

- модулларнинг барча маъruzалари бўйича замонавий компьютер технологиялари ёрдамида мультимедияли тақдимот тайёрлашни;
- амалий машғулотларда педагогик ва ахборот-комуникация технологияларидан кенг фойдаланишни;
- тингловчиларнинг илфор тажрибаларини ўрганишни ва оммалаштиришни назарда тутади.

## **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1998
2. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мағкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
11. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият». – Т.: 2008.-176 б.
12. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
13. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
17. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
18. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик махорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
19. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
20. Воронин Г.Л. Конфликты в школе.// Социологические исследования, 1994. - № 3
21. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.

22. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003 – 670 с.
23. Гусева А.И. Работа в локальных сетях. - М.: 1996. 218 с.
24. Гуломов С.С., А.Х.Абдуллаев. “Виртуальные стенды для имитации функций учебных мастерских и лабораторных установок”. МВССО. Т.,2002. 98 с.
25. Сатторов. А. “Информатика ва ахборот технологиялари”. - Академик лицей ва касб – хунар колледжлар учун дарслик. – Т.: Ўзбекистон, 2002 й. 325 б.
26. Саттаров И., Б.Ф.Қодиров, У.Ш.Бегимқұлов.“Компьютерда лаборатория ишләри”. Т. ТДПУ нашриёти. 2002 й. 143 б.
27. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006 й. 163 б.
28. Умумий психология. - А.В. Петровский таҳрири остида - Т.: Ўқитувчи, 1992. 329 б.
29. Усмонова Э.З. Ўқувчиларда мустақил тафаккурни қандай шакллантириш мүмкін? - Т.: ТДПУ, 2000 й. 122 б.
30. Холмуродов Р.И., М.Ҳ, Лутфуллаев. “Замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш”, Т.,ЎзРФА «Фан», 2003 й. 176 б.
31. Чернышев А.С. Практикум по решению конфликтных педагогических ситуаций. – М., 1998 г. 221 с.
32. Шугуров М.В. Социальный конфликт и самоосуществление личности. – Саратов, 1994 г. 236 с.
33. Югай А.Х. Лабораторно-практические занятия по психологии - Т.: ТДПУ, 2008 г. 92 с.
34. ЮлдашевУ.Ю.Боқиев Р.Р. Зокирова Ф.М.Информатика-Т.,2002й. 163 б.
35. Глобальные тенденции развития человечества до 2015 года. «У-Фактория». Екатеринбург. 2002. -119 с.
36. Иванов И. Россия в современном мире. Ответы на вызовы XXI века. М.: 2004.
37. Мир на рубеже тысячелетий (прогноз развития мировой экономики до 2015 г.). – М.: Издательский Дом «НОВЫЙ ВЕК». 2001. - 592 с.
38. Кортунов С.В. Диалектика национальной и международной безопасности: некоторые методологические проблемы. // «ПОЛИС». 2009. № 1.С.118-129.
39. Гиясов Б., Камильджанов А., Мустапова Х. Международные отношения и дипломатия на современном этапе.Т.: «Kuro-print». 2009. -318 с.
40. Поцелуев С.П. Власть как диалог или диалог без власти? К актуальным аспектам политической философии. // «ПОЛИС». 2010. № 1.С.70-81.
41. К.Шониёзов Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни -Т.: Фан, 2001. 64-98 бетлар.
42. Қ. Усмонов, М. Содиқов.С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. – Т.: Иқтисод-молия, 2006.
43. А.Иброхимов. Биз ким, ўзбеклар ... -Т.: Шарқ, 2000, 55-66 бетлар.

44. Муртазаева Р.Х. История Узбекистана. Учебник. -Т.: 2005.
45. Қ.Усмонов, М.Содиков, С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. – Т.: Иқтисод-молия, 2006.
46. Қ.Усмонов, М.Содиков, Н. Обломуродов. Ўзбекистон тарихи. Ўқув қўлланма. –Т.: Мерос, 2002, 171-194 бетлар.
47. Қ. Усмонов, М. Содиков.С. Бурхонова. Ўзбекистон тарихи. Дарслик.. – Т.: Иқтисод-молия, 2006.
48. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи -Т.: Шарқ, 2000. 151-171 бетлар.
49. Ахмадшоева М., Нажимов М. Ҳукуқ нима? -Т. ТДЮИ, 2003.-356.
50. Ахмадшоева М. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий ва хукуқий асослари //Давлат ва хукуқ журнали. № 2 (18). 2004. -4-6 с.
51. Ҳ.Б.Бобоев. Ҳ.Т.Одилқориев.-Т.:Иқтисодиёт ва хукуқ дунёси 2000.- 528 б.
52. Исломов З.М. Ҳукуқ тушунчаси, моҳияти, ижтимоий вазифаси. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДЮИ, 2004. -138 б.
53. Исломов З.М. Фуқаролик жамияти: кеча, бугун, эртага. –Тошкент: ТДЮИ, 2002, 7 б.
54. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти.-Т.;Шарқ, 2002.- 320 б.
55. Таджиханов У., Одилқориев Х. Давлат ва хукуқ назарияси таъриф ва чизмаларда: Ўқув қўлланма - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002.
56. Rashidov Yu.K. «Issiqlik, gaz ta'minoti va ventilyatsiya». Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. –Toshkent.: Cho'lpon, 2009. – 143 б.
57. Рашидов Ю.К., Сайдова Д.З. “Иссиқлик, газ таъминоти ва вентиляция” ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ 2002 й. 146 б.
58. Рашидов Ю.К. «Газ таъминоти” ўқув қўлланма. Тошкент ТАҚИ 2000 й.
59. ҚМК 2.04.07.99 “Иссиқлик таъминоти” Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Курилиш Қўмитаси. Тошкент 1999.
60. ҚМК 2.04.08.96. “Газ таъминоти” Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Курилиш Қўмитаси. Тошкент 1996й.
61. Староверов И.Г., Шиллер Ю.И., Справочник проектировщика. Внутренние санитарно-технические устройства, I-ч. Отопление. М. Стройиздат. 1990,-344стр
62. ҚМК 2.04.05-97. Иситиш, вентиляция ва кондициялаш. Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура ва Курилиш Қўмитаси. Ташкент 1997й.
63. Косимова С.Т., Шоджалилов Ш. Биноларни техник эксплуатациясига хос хусуситялари. Ўқув қўлланма.2-қисм.Тошкент, 2005 й.
64. ШНК 2.08.01-05 “Жилые здания” Т.: Госкомархитектстрой, Т.,2005 й.
65. КМК 2.08.02 -96 “Общественные здания и сооружения” Т.: Госкомархитектстрой, Т.,1996 г.
66. Миражмедов М.М. Техническое обслуживание зданий. Т,: Укитувчи 1990 г.

67. И.И.Ушаков, Б.А.Бондарев, Основы диагностики строительных конструкций,учебное пособие,Ростов-на –Дону Феникс,2008 г.
68. Добромуслов А.Н. Диагностика поврежденных зданий и инженерных сооружений. Москва, 2006 г.
69. Комков В.А.Техническая эксплуатация зданий и сооружений. РИОР,2007 г.
70. Мирахмедов М.М., Косимова С.Т., Шоджалилов Ш. Turar-joy va jamoat binolarini tekshirish va ularning tehnik ekspluatatsiyasi. Ўқув қўлланма Т.2009 й.

### **Интернет маълумотлари:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. <http://www.uforum.uz/>
9. Axborot resurs markazi <http://www.assc.uz/>
10. <http://www.xabar.uz>
11. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
12. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
13. [www.nuu.uz](http://www.nuu.uz)